

Инвестициялар ва қурилиш

2017 йил январь-июнда вилоятнинг асосий капитални кўпайтиришга 1607,5 млрд. сўм миқдорда инвестициялар киритилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 96,4 фоизни ташкил қилди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган:

| | млрд.сўм | ўсиш суръати, % | яқунга нисбатан фоиз |
|--|---------------|-----------------------|----------------------------|
| Асосий капиталга киритилган инвестициялар | 1607,5 | 96,4 | 100,0 |
| шу жумладан | | | |
| Марказлашган инвестициялар: | 171,1 | 54,7 | 10,0 |
| бюджет маблағлари | 78,3 | 82,4 | 4,6 |
| давлат мақсадли фонд маблағлари | 87,5 | 52,0 | 5,1 |
| ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари | 5,3 | 17,4 | 3 |
| Марказлашмаган инвестициялар | 1596,4 | 105,2 | 90,0 |
| корхоналарнинг ўз маблағлари | 737,4 | 193,5 | 36,0 |
| аҳоли маблағлари | 623,4 | 76,7 | 39,0 |
| тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар | 33,5 | 36,4 | 2,0 |
| тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари | 201,6 | 89,4 | 13,0 |
| бошқа хорижий инвестициялар ва кредитлар | 0,5 | - | - |


2017 йил январь-июнда асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркиби қуйида келтирилган:

| | жами | Давлат | Нодавлат |
|---|---------------|--------------|---------------|
| Жами, млрд. сўм | 1767,5 | 246,3 | 1521,2 |
| шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида | 100 | 100 | 100 |
| қурилиш-монтаж ишлари | 72,1 | 74 | 71,8 |
| машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар | 18,5 | 21,6 | 17,9 |
| бошқа ҳаражатлар | 9,4 | 4,4 | 10,3 |

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2016 йил январь-июнга нисбатан қурилиш-монтаж ишларнинг улуши 4,3 фоизли пунктга камайган, машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши 1,1 фоизли пунктга камайган ва бошқа ҳаражатларнинг улуши 5,3 фоизли пунктга камайган.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

2017 йил январь-июнда умумий майдони 714,8 минг кв.м. бўлган 3411 та (2016 йил январь-июнга нисбатан 93,0 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 707,9 минг кв.м. (153,0 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 530,2 млрд. сўмни ёки 30 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилди.

Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, мусиқа ва санъат мактаблари қуриш, қайта таъмирлаш ҳамда касб-ҳунар коллежларига ва умумтаълим мактабларига спорт иншоатлари қурилишида 32,3 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 5,0 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 5,9 фоизини ташкил қилди.

Коммунал қурилиш соҳасида 171,9 км узунликдаги ичимлик суви, 38,2 км узунликдаги газ тармоқлари ишга туширилди, бу 2016 йил январь-июнга нисбатан мос равишда 134,0 ва 116,0 фоизни ташкил қилди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига аҳоли маблағлари ҳисобига 4439,6 млн.сўм, газ тармоқлари қурилишига эса 1178,9 млн. сўм миқдоридан инвестициялар ўзлаштирилди.
